



СУҒУРТА БОЗОРИДАГИ КРОСС-СЕКТОРАЛ МАҲСУЛОТЛАР ТАҲЛИЛИ

PhD Имомов Умид Гайратжонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0009-8427-3367

mr.imomov@gmail.com

Аннотация. Мақолада суғурта компаниялари томонидан суғурта бозорида қўрсатилаётган кросс-секторал маҳсулотларнинг таснифи, уларнинг афзалликлари ва жорий этишнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари, амалга ошириш муаммолари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *риск, суғурта, суғурта маҳсулотлари, андеррайтинг, суғурта компаниясининг бизнес жараёнлари.*

АНАЛИЗ КРОСС-СЕКТОРАЛЬНЫХ ПРОДУКТОВ НА СТРАХОВОМ РЫНКЕ

PhD Имомов Умид Гайратжонович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье анализируется классификация кросс-отраслевых продуктов, предлагаемых страховыми компаниями на страховом рынке, их преимущества и конкретные положительные стороны внедрения, а также проблемы внедрения.

Ключевые слова: *риск, страхование, страховые продукты, андеррайтинг, бизнес процессы страховой компании.*

ANALYSIS OF CROSS-SECTORAL PRODUCTS IN THE INSURANCE MARKET

PhD Imomov Umid Gayratjonovich

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article analyzes the classification of cross-industry products offered by insurance companies in the insurance market, their advantages and specific positive aspects of implementation, as well as implementation problems.

Keywords: *risk, insurance, insurance products, underwriting, business processes of an insurance company.*

Кириш.

Иқтисодиёти ривожланган барча мамлакатларда суғурта муҳим ва кўп қиррали роль ўйнайди. Шу билан бирга, иқтисодиётда суғурта фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини, ижтимоӣ-иқтисодӣ, табиӣ, техноген ва бошқа рисклардан ҳимоя қилишни ҳам, ижтимоӣ-иқтисодӣ соҳадаги давлат вазифаларини амалга оширишни ҳам таъминловчи зарур восита сифатида мустаҳкам ўрин тутаети.

Замонавий суғурта бизнеси ривожланишнинг янги босқичига кўтарилиб, суғурта компанияларидан мижозларга сифатли хизмат кўрсатишни талаб қилмоқда. Бозор суғурта соҳасига янги талабларни қўяди айниқса рискларни тўғри баҳолаш ва суғуртага қабул қилишда. шундан келиб чиққан ҳолда суғурта андеррайтинги муҳим саналади. Андеррайтинг суғурта ташкилотларида асосӣ бизнес жараёни бўлиб, суғуртага қабул қилинган суғурта рискни баҳолаш ва бошқаришни ўз ичига олади.

Адабиётлар шарҳи.

Суғурта бозорининг ривожланиш даражаси мамлакат иқтисодиётига маблағларни жалб қилиш ҳисобига мамлакатнинг ижтимоӣ-иқтисодӣ аҳволини барқарорлаштиришга таъсир кўрсатишга қодир бўлган кам сонли реал воситалардан биридир (Садикова ва Коробейникова, 2020).

Сўнги ўн йилликларда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши геосиёсий кескинликнинг кучайиши ҳисобига рискларнинг мисли кўрилмаган даражада ортиши билан тавсифланади, бу эса миллий суғурта бозорларига ноаниқ таъсир кўрсатмоқда. Бу, бир томондан, молия бозорининг ушбу сегментининг иқтисодиёт учун аҳамиятини оширишга ёрдам беради, бу эса суғурта хизматларига талабнинг ошишига олиб келади. Сўзсиз айнан суғурта ҳам микро, ҳам макро даражадаги рисклардан ҳимояни тақдим этади. (Дрюк, 2024).

Жаҳон суғурта бозори глобал муаммоларга дуч келмоқда. Иқтисодӣ нобарқарорлик, тартибга солувчи талабларнинг кучайиши, табиӣ хавф-хатарлар ва инвестицион даромадларнинг пасайиши бу омиллардан бир қисмидир. Кучайиб бораётган муаммолар жаҳон суғурта бозори тузилишининг ўзгаришига олиб келмоқда. Ихтисослашувнинг кучайиши, суғуртанинг анъанавий турларини рақамли платформаларга ўтказиш ва янги кросс-секториал маҳсулотларни яратилиши жаҳон миқёсда иштирокчи давлатлар ўртасидаги кучлар мувозанатини белгилаб бермоқда. (Спицина, Цыденова, Орусова, 2020).

Шунингдек Абдурахмонов (2018-2024) ҳозирги иқтисодӣ шароитда суғурта соҳаси, унинг иқтисодиётдаги роли, иқтисодӣ ўзгаришлар натижасида суғуртада қўлланилаётган замонавий технологиялар, суғурта хизматлар бозорида сотилаётган замонавий суғурта маҳсулотлари, суғурта бозорини тартибга солиш усуллари, суғурта соҳасининг замон билан биргаликда юз бераётган трансформацияси, суғуртанинг ривожланиш векторларини кўрсатиб ўтган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада суғурта бозоридан суғурта компаниялари томондан тақдим этилаётган кросс-секториал маҳсулотларнинг назарӣ ва амалӣ асослари эпмерик адабиётлар таҳлили асосида ўрганилган, бунда уларни таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқӣ фикрлаш, илмӣ абстракция, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Миллий суғурта бозорлари фаолиятининг ҳозирги шароити жаҳон молия тизимидаги доимӣ нобарқарорлик, ўсиб бораётган инфляцион босим ва геосиёсий кескинликнинг кучайиши билан тавсифланади. Йигирманчи йиллардан бошлаш

кучайиб келаётган молиявий инқирозлар охириги қирқ йилликларда тез учраб турадиган оддий ҳолатга айланиб бормоқда. Жаҳон молиявий нобарқарорлик шароитларида суғурта компанияларига қаттиқ талаблар кўчайиб бормоқда. Молиявий нобарқарорлик ва инқирозлар суғурта компанияларидан рақобатбардоликни ошириш ва фаолиятларининг барча соҳаларини такомиллаштириш боришни талаб қилиб қўймоқда. Бундай ҳолатлар молиявий конвергенцияни кўчайишига олиб келмоқда.

Чернова ва бошқаларнинг (2017) тадқиқотлари кўра молиявий конвергенция - бу молия бозоридаги тармоқлараро рақобат механизми бўлиб, уни қўллаш молия бозорининг бир сегментидаги субъектлар томонидан молия бозорининг бошқа тармоқларидаги субъектларнинг имкониятлари, хусусиятлари ва афзалликларидан фойдаланиш орқали ўз рақобатбардошлигини оширишга қаратилган фаолиятдир.

Айнан молиявий конвергенция натижасида суғурта бозорида кросс-секториал маҳсулотлар пайдо бўла бошлади. Бундай маҳсулотлар конвергенцияда иштирок этувчи молия бозорининг бир нечта соҳа (суғурта ва банк, суғурта ва фонд бозори, суғурта ва пенсия ёки бир вақтнинг ўзида учала соҳанинг турли комбинациялари) маҳсулотларининг хусусиятларини ўзида мужассам этган мураккаб, гибрид маҳсулотлар ҳисобланади (1-жадвал).

Молиявий конвергенция натижасида суғурта бозорининг функционал трансформацияси содир бўлади, у нафақат салбий ҳодисалар юз берганда суғурта ҳимоясини таъминлаш функциясини, балки молия бозорининг бошқа соҳалари функцияларини ҳам бажаради. Ҳозирги кунга келиб, илмий адабиётларда мавжуд бўлган суғурта бозори тушунчаси ушбу бозорда сотиб олиш ва сотиш объекти суғурта маҳсулоти, суғурта хизмати ёки суғурта ҳимояси замонавий шароитда ушбу тушунчанинг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди, балки суғурта бозорини сотиб олиш ва сотиш объекти нафақат суғурта маҳсулотлари, шунингдек молиявий (шу жумладан, гибрид, кросс-секториал) маҳсулотларнинг анча кенг ассортименти, ҳамда уларнинг мажбурий компоненти эса суғурта қопламаси бўлган молиявий бозор сегменти сифатида тушуниш керак бўлади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, кросс-секториал маҳсулотлар асосан ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи мамлакатлари), уларни амалга ошириш истеъмолчилар ўртасида суғурта маданиятининг юқори даражасини талаб қилиши, маҳсулотни бозорга чиқариш учун юқори харажатлар, бозорда малакали молиявий маслаҳатчилар ва воситачиларнинг мавжудлиги сабабли кенг тарқалгандир. Бироқ, сўнгги йилларда ривожланаётган мамлакатлар суғурта бозорларига кросс-секториал маҳсулотларнинг босқичма-босқич кириб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Бу суғурта хизматлар бозорларининг изчил ривожланиши, алоҳида мамлакатлар аҳолисининг молиявий саводхонлигининг ошиши шунингдек, аҳоли эҳтиёжларининг ўзгариши билан билан боғлиқдир.

Бу истеъмолчилар учун бир вақтнинг ўзида турли хил молиявий хизматлар тўпламини бир жойда олиш имкониятини оширади, бу истеъмолчиларнинг вақтини сезиларли даражада тежайди ва маҳсулот сотиб олиш жараёнини янада қулайлаштиради. Шу боис кросс-секториал маҳсулотлар суғуртага бўлган талабни рағбатлантириш ва бунинг натижасида суғурта компанияларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда қўшимча даромад олиш учун самарали восита бўлиб хизмат қилади. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги гибрид маҳсулотлари бундай маҳсулотларга яққол мисол бўла олади.

Кўпгина Европа Иттифоқи мамлакатларида улар биринчи навбатда банклар орқали сотилади, бу ерда банклар уларни сотишда банк депозитларига фойдали муқобил вариант сифатида тақдим этадилар, бунинг учун улар суғурта компанияларидан катта рағбатлантириш комиссияларини олишадилар.

Кросс-секториал маҳсулотлар

Молия бозорининг соҳалари	Маҳсулот	Маҳсулот таснифи
Суғурта ва банк	Депозит суғуртаси	Депозит суғуртаси – бу анъанавий депозит ва суғуртанинг элементларини ўз ичига олган молиявий маҳсулотдир. Бу депозит банкда ёки бошқа молия-кредит ташкилотда жойлаштирилади ва маблағларни йўқотиш хавфини қоплаш учун суғурталаш ҳисобланади. Оддий депозитдан фарқли ўлароқ, суғурта баъзи рискларни, масалан, молиявий ташкилотнинг банкротлиги натижасида маблағларни йўқотишни қоплашни ўз ичига олади. Одатда, депозитни суғурталаш давлат суғурта тизими ёки хусусий суғурта компанияси томонидан амалга оширилади, бу эса омонатчига қўшимча ҳимояларни тақдим этади. Баъзи мамлакатларда, депозитлар маълум бир миқдорда давлат томонидан суғурталаниши мумкин, бу эса банкнинг банкротлиги ёки бошқа кутилмаган ҳолатларда омонатчиларга маблағларнинг қайтарилишини кафолатлайди
Суғурта ва фонд бозори	Инвестицион ҳаёт суғуртаси	Инвестицион ҳаёт суғуртаси – бу ҳаётни суғурталашнинг анъанавий элементлари ва инвестицияларнинг жамланмасига эга бўлган молиявий маҳсулотдир. Мижозлар мунтазам суғурта бадалларини тўлаб боришади, бу маблағлар нафақат суғуртанинг таъминотини, балки турли молиявий воситаларга инвестиция киритишни ҳам таъминлайди. Инвестицион суғуртаси ҳаёти асосий хусусияти шундаки, суғурталовчи томонидан тўланган маблағларнинг бир қисми молиявий бозорларга инвестиция киритишга, масалан, акциялар, облигациялар ёки бошқа воситаларга йўналтирилади, бу эса даромад қўшимча олиш имкониятини яратади. Шу тариқа, суғурта таъминоти билан бирга, суғурталанувчи ўз маблағларидан даромад олиш имкониятига эга бўлади.
Суғурта, фонд бозори ва пенсия соҳалари	Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси unit-linked	Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси unit-linked бу ҳаёт суғуртаси ва инвестицияларни ўзида бирлаштирган маҳсулотдир. Анъанавий жамғарма суғуртасидан фарқли ўлароқ, унда жамғармалар доимий фоизлар шаклида йиғилса, unit-linked моделида тўловларнинг бир қисми инвестиция фондларига йўналтирилади ва уларнинг даромадлилиги бозор шароитларига боғлиқ бўлади
	Пенсия суғуртаси	Пенсия суғуртаси – бу белгиланган муддат давомида ёки суғурталанган шахснинг ҳаёти давомида мунтазам тўловларни таъминловчи молиявий маҳсулот бўлиб, тўлов миқдори бозор шароитига ёки инвестиция даромадлилигига қараб ўзгариб туради

Манба: суғурта бозорида мавжуд маҳсулотлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Банклар орқали ҳаётни суғурталаш маҳсулотларини сотиш натижасида суғурта компаниялари мижозлар базасини сезиларли даражада кенгайтириши ва суғурта мукофотлари ҳажми ошишига эришадилар.

Бундан ташқари кросс-секториал маҳсулотларнинг қўйидаги иқтисодий-молиявий авзалликлари мавжуддир, жумладан:

Биринчидан, рискларни диверсификация қилиш: кросс-секториал маҳсулотлар бир нечта соҳаларни қамраб оладиган рискларни қоплаши мумкин, бу эса истеъмолчилар ва компаниялар учун умумий (асосий фаолият рисклари) рискларни камайтиради.

Иккинчидан, мижозлар базасининг кенгайтириши: кросс-секториал маҳсулотлар турли соҳаларнинг афзалликларини бирлаштириб, турли соҳалардаги мижозларни жалб қилиши мумкин. Масалан, кенгроқ мижозлар аудиториясини жалб қилишда соғлиқ ёки молиявий маҳсулотларни суғурта ҳимояси билан тақдим этиш.

Учинчидан, мижозлар учун қулайлик: бундай маҳсулотларнинг бир таклифда бир нечта хизмат ёки маҳсулотларни олиши мумкин бўлган мижозларга вақт ва ресурсларни тежайдиган кенг қамровли ечимларни таклиф қилиниши.

Тўртинчидан, инновация ва мослашувчанлик (эгиловчанлик): кросс-секториал маҳсулотлар кўпинча муаммоларни ҳал қилишда янги ёндашувларни, жумладан инновацион технологиялар ва усулларни тақдим этади, бу эса янада мослашувчан (эгиловчан) шартларни таклиф қилиш имконини беради.

Бешинчидан, рақобатбардошликни ошириш: кросс-секториал маҳсулоларни таклиф этувчи компаниялар рақобатчилар таклиф эта олмайдиган комбинациялашган ечимларни тақдим этишлари орқали бозорда рақобатбардош устунликларга эга бўлишлари мумкин бўлади.

Олтинчидан, даромаднинг ошиши: турли хил маҳсулот ва хизматларни бирлаштириш натижасида мижозларга жозибадор маҳсулотлар ва таклифлар доирасини кенгайтириш орқали рентабелликни ошириш мумкин бўлади.

Еттинчидан, бозордаги барқарорлик: бундай маҳсулотлар компанияларга бир бозор соҳасининг тебранишларига (ўзгаришларига) камроқ боғлиқ бўлишга ёрдам беради ва узоқ муддатли барқарорликни таъминлайди, сабаби маҳсулотлар кенг истеъмол аудиториясига эгаллиги ва рискларни кенг қамровлиги.

Умуман олганда, кросс-секториал маҳсулотлар замонавий мижозларнинг эҳтиёжларини қондирадиган янада интеграциялашган ва самарали ечимларни таклиф қилиши билан анъанавий маҳсулотлардан ажралиб туради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, суғурта бозоридаги кросс-секториал маҳсулотларининг юқоридаги авзалликлари билан бир қаторда айрим камчиликлари ёки уларни жорий этиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуддир. Масалан, бундай маҳсулотлар сегменти анъанавий суғурта маҳсулотлари сегментига қараганда кенгроқ омиллар таъсирига сезгир бўлади. Бундай омилларга биринчи навбатда молия бозорининг бошқа тармоқларидаги муқобил маҳсулотларнинг фоиз ставкалари ва нархларини келтиришимиз мумкин. Асосий фоиз ставкасининг ошиши банк депозитларини жозибадор инвестиция воситасига айлантиради, бу эса мижозларнинг банк маҳсулотларини танлашни рағбатлантиради. Шунингдек, кросс-секториал ҳаётни суғурталаш маҳсулотлари фонд бозори воситалари ва нодавлат пенсия жамғармалари томонидан сотиладиган маҳсулотлар билан рақобатда бўлади.

Суғурта бозори кросс-секториал маҳсулотларнинг яна бир муаммоси бу жаҳон молиявий беқарорлиги шароитида молия бозорининг бошқа тармоқларида, хусусан, фонд ва банк соҳаларида юзага келадиган инқирозларга нисбатан юқори таъсирчанлигидир.

Хулоса ва таклифлар.

Кросс-секториал маҳсулотларини жорий этиш компаниялар учун бозордаги имкониятларни кенгайтириш, рақобатбардошликни ошириш ва даромадлиликни кўпайтириш учун кўплаб имкониятлар яратади. Ушбу маҳсулотлар нафақат кенгроқ аудиторияни жалб қилиш имконини беради, балки бир нечта соҳани бирлаштирган комплекс ечимлар орқали мижозлар тажрибасини яхшилади. Рискларни диверсификация қилиш ва инновацияларни жорий этиш бизнеснинг узоқ муддатли барқарорлиги ва бозор ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди. Шундай қилиб, кросс-секториал маҳсулотлар замонавий рақобатбардош бозор шароитида етакчилик ва ривожланишга интилаётган компания учун муҳим восита ҳисобланади.

Олиб борилган таҳлиллар асосида шундай хулоса қилишимиз мумкинки, суғурта бозоридаги кросс-секториал маҳсулотлар суғурта компанияларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг истиқболли воситаси, шунингдек халқаро молиявий нобарқарорлик шароитларида ушбу соҳани диверсификация қилиш ва

инқироз даврида суғурта мукофотлари ҳажмининг кескин ўзгаришини юмшатиш учун қўшимча молиявий механизмларни тақдим этади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 5.

Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. *International Finance and Accounting*, 2020(6), 7.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>

Abdurakhmonov, I. (2020). Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 7.

Abduraxmonov, I. (2022). Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *Moliya va bank ishi*, 8(3), 60-67.

Abduraxmonov, I., Abduraimova, M., & Abdullayeva, N. (2018). Sug 'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent. "Iqtisod-moliya.

Ilyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.

Ilyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.

Ilyos, A. (2019). Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 8(2), 20-27.

Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат қўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №2, 145-150 б.

Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2.

Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. *Moliya va bank ishi*, 8(1), 95-99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.

Абдурахмонов, И. (2024). Неизвестные нам риски цифровой экономики. *Экономическое развитие и анализ*, 2(7), 230-239. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48792>.

Абдурахмонов, И. (2024). Страховой рынок: современное состояние и тенденции развитие. *Экономическое развитие и анализ*, 2(4), 309-319. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48500>.

Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12-15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.

Абдурахмонов, И. (2024). Такафул: теоретико-экономические основы и механизмы реализации. *Экономическое развитие и анализ*, 2(6), 298-307. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48728>.

Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисод-Молия" нашриёти, 23-24.

Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/–Т.: «Иқтисод молия, 353-354.

Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.

Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. TADQIQOTLAR. UZ, 37(6), 161-167.

Дрюк Т.В. (2024) Развитие национальных страховых рынков в условиях глобальной финансовой нестабильности. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук Москва – 2024. 27 стр

Садыкова Л.М., Коробейникова Е.В. (2020) Инвестиционное страхование жизни в национальной экономике: состояние и перспективы. Азимут научных исследований: экономика и управление. Т. 9. № 3(32), 305-308 стр.

Спицина Д.В., Цыденова Д.Б., Орусова О.В. (2020) Тенденции развития мирового страхового рынка. Международный научно-исследовательский журнал № 6 (96) Часть-4. Июнь. 108-112 стр.

Чернова Г.В., Писаренко Ж.В., Кузнецова Н.П. Факторы, предпосылки и параметры финансовой конвергенции // Страховое дело. 2017. № 5. С. 3—14.